

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МИНГБОЕВ УЛУҒБЕК ХУЖАЕВИЧ**

**ЎҚУВЧИЛАРДА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Информатика ва ахборот технологиялари фани мисолида)**

**13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Мингбоев Улуғбек Хужаевич**

Ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш (Информатика ва ахборот технологиялари фани мисолида)..... 3

**Мингбоев Улуғбек Хужаевич**

Совершенствование методики формирования коммуникативных компетенций у обучающихся (на примере учебной дисциплины “Информатика и информационные технологии”)..... 23

**Mingboev Ulugbek Khujaevich**

Improving the methodology for the formation of communicative competencies in students (for example, on the subject "Computer science and information technology")..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МИНГБОЕВ УЛУҒБЕК ХУЖАЕВИЧ**

**ЎҚУВЧИЛАРДА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Информатика ва ахборот технологиялари фани мисолида)**

**13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Ped739 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.vocedu.uz](http://www.vocedu.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ходжабаев Анарбой Рустамович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шодиев Ризамат Давронович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Қўйсинов Одил Алмурадович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “25” 10 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17, факс: 246-90-37, e-mail: [moqt@markaz.uz](mailto:moqt@markaz.uz).)

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишин мумкин ( 11 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-90-37).

Диссертация автореферати 2019 йил “12” 10 кун тарқатилди.  
(2019 йил “12” 10 даги 16 - рақамли реестр баённомаси).



**Ш.Э.Курбонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**С.Ю.Ашурова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Қ.Т. Олимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон миқёсида ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда олиб борилаётган глобал ўзгаришлар кадрлар тайёрлаш тизими компетенциявий талаблар асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Европа Кенгашининг Берндаги “Европа учун таянч компетенциялар” (Key competencies for Europe) халқаро симпозиумида таълим олувчиларнинг “аниқ вазиятларда мулоқот ва ёзма кўникмалардан самарали фойдаланиш” ва “катта ҳажмдаги ахборотларга танқидий ишлов бериш ва янги технологиялар асосида ахборот муҳитини ривожлантириш” каби муҳим компетенциялар гуруҳи қабул қилинган. Бугунги кунда бўлажак мутахассисларнинг муҳим компетенцияларини шакллантириш ва баҳолашда ўқитишнинг анъанавий ва замонавий усулларида мажмуавий фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун таълим олувчиларнинг касбий ва шахсий компетенцияларини шакллантириш борасидаги муаммоларга амалий ечимлар топиш долзарблигача қолмоқда.

Халқаро илғор тажрибаларга асосан, АҚШ, Англия, Германия, Россия, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларнинг нуфузли илмий-тадқиқот марказларида касб-ҳунар таълими жараёнини компетентли ёндашув асосида лойиҳалашни амалга оширишнинг илмий асосланган методик тизимини яратиш борасида салмоқли амалий натижаларга эришилган. Шунга кўра, рақобатбардош ва малакали битирувчиларни тайёрлашда амалдаги таълим парадигмасини ўзгартириш ва ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўллаш олиш кўникмаларини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Шу сабабдан ўқувчиларнинг келажақдаги фаолиятларида касбий муаммоларга ечим топиш ва амалга татбиқ этишда ахборот технологиялардан фойдаланиш кўникмалари муҳим ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан фаол ижодий фикрловчи, изланувчан, керакли ахборотларни мустақил равишда излаб топувчи ва уларни ўз амалий фаолиятида қўллаш олувчи мутахассисларни тайёрлаш тизимини самарали ташкил этишда ахборот таълим муҳитида уларнинг коммуникатив компетенцияларига алоҳида эътибор қаратиш зарур ҳисобланади.

Мамлакатимизда замонавий талаблар асосида таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган туб ислохотлар натижасида касб-ҳунар коллежлари фаолияти йўналишлари қамрови кенгайтирилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “...меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> устувор вазифасининг ижросини таъминлаш мақсадида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларида муҳим компетенцияларни шакллантиришни интерфаол ўқитиш методлари асосида янада жадаллаштириш зарурияти яққол кўзга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -Т., 2017. – Б.39.

ташланмоқда. Бу эса, касб-хунар коллежлари битирувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантиришнинг амалдаги методик тизимини ва ўқув-услугий таъминотини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштириш ҳамда ўзлаштириш натижаларини объектив баҳолаш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2829-сонли “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3504-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:** Ўтказилган илмий изланишлар ва тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, касб-хунар таълиминини ривожлантириш жараёни ва тенденциялари ва бўлажак кичик мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари Р.Х.Джураев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, О.А.Абдуқудусов, А.Р.Ходжабаев, Ш.С.Шарипов, Қ.Т.Олимов, Ж.А.Хамидов, О.Х.Тўрақулов, Д.О.Химматалиев ва бошқа олимларнинг ишларида батафсил ёритилган.

Касб-хунар таълимида “компетенция”, “компетентлик” ва “таянч компетенциялар” каби тушунчаларнинг мазмун ва моҳиятини ўрганиш ва тадқиқ қилиш, шакллантириш, ривожлантириш ва ташхислаш масалаларида республикамиз олимларидан Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов, О.А.Қўйсинов<sup>2</sup>, Н.Н.Каримова, Ж.Р.Турматов, Р.Х.Файзуллаев, Ё.Р.Нажмиддинова, К.Т.Уматалиева<sup>3</sup>, МДҲ ва хорижий мамлакатлардан В.И.Байденко, А.А.Вербицкий, Н.А.Гришина, Э.Ф.Зеер, О.Н.Ярыгин, Я.П.Панина,

<sup>2</sup> Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлигини компетентли ёндашув асосида ривожлантириш технологиялари. Монография. – Тошкент: “DELTA PRINT SERVIS” нашриёти. 2018. – 156 б.

<sup>3</sup> Касб-хунар коллежи ўқитувчисининг методик компетенциясини узлуксиз ривожлантиришда инновацион таълим технологиялардан фойдаланиш (малака ошириш тизими мисолида): автореф. дис. пед. фанлари бўйича фалсафа доктори. –Тошкент, 2018. -48 б.

Н.В.Кузьмина, А.И.Кулешова, А.К.Маркова, Н.В.Скачкова, А.В.Хуторский, И.А.Зимняя<sup>4</sup>, С.Р.Berger<sup>5</sup>, W.Grabe, J.Harmer, С. Leung<sup>6</sup>, J.C.Richards, J.Hartig, E.Klieme, P. Heinrich, Nutmacher Walo ва бошқалар тадқиқот олиб борган.

Коммуникатив компетенцияларни шакллантиришнинг назарий ва амалий асослари Е.Д.Божович, Е.А.Быстрова, Е.М.Верещагина, И.А.Зимней, Л.А.Петровский, J.Raven ва бошқаларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Ушбу тадқиқотларнинг деярли кўпчилигида, жумладан, О.Ф.Кармоданова, О.В.Гордиенко, Т.М.Воителев, О.Н.Гурьяноваларнинг тадқиқотларида адабиёт, рус тили ва хорижий тил дарсларида коммуникациянинг тил муаммолари билан боғлиқ жиҳатлари ёки коммуникатив кўникмага ўқувчи касбий тайёргарлиги элементи сифатида қаралган.

Тадқиқот муаммосига оид илмий изланишлар ва манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини ошириш ҳамда коммуникатив компетенцияларни интерфаол методлар асосида шакллантириш имкониятларини кенгайтириш зарурати мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Жиззах политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-049 рақамли “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” (2017-2021) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантириш ўқув жараёнини танқидий таҳлил қилиш ва педагогик шарт-шароитларни ўрганиш;

бўлажак мутахассисларнинг коммуникатив компетенциялари тузилмасининг ташкилий ва функционал компонентлари мазмунини такомиллаштириш;

интерфаол ўқитиш методлари асосида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантириш жараёнини лойиҳалаштириш ва уни амалиётга жорий этиш;

ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштиришга қаратилган замонавий ахборот-дидактик таъминотни ишлаб чиқиш;

ўқувчиларда коммуникатив компетенциялар шаклланганлик даража-

<sup>4</sup> Ключевая компетентностная парадигма результата образования - Высшее образование сегодня. - 2003. -№5. -С.34-42.

<sup>5</sup> Interpersonal communication: theoretical perspectives, future prospects. Journal of Communication, 2005. - №55, P.415-447.

<sup>6</sup> Convivial communication: Recontextualizing communicative competence. International Journal of Applied Linguistics, 2005, -№15(2), -P.119-143.

ларини аниқлашда сифат кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш ҳамда олинган натижаларга математик-статистик ишлов бериш.

**Тадқиқот объекти** касб-хунар коллежлари “Компьютер инжиниринг технологияси, дастурлаш” йўналиши ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантириш жараёни.

**Тадқиқот предмети** касб-хунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантириш мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида мавзуга оид педагогик, психологик ва методик манбалар, дидактик материаллар, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-меъёрий хужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, суҳбат, кузатиш, анкета сўрови, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

касб-хунар коллежлари ўқувчиларида касбий компетенциялар (ахборотли, когнитив ва ижтимоий)ни инсон-техника интерфейси орқали шакллантиришга имкон берувчи интеграллашган ўқитиш тузилмаси (таълим, рақамли технология, электрон ресурслар, натижа) лойиҳалаштирилган;

касбий компетентликни шакллантириш жараёнини тизимли ва акмеологик ёндашувлар асосида касбий ривожланиш векторига мос ҳолда ишлаб чиқиш орқали коммуникатив компетенцияларнинг функционал-тузилмавий компонентлари (мотивацион-қадриятли, мазмунли-фаолиятли, методик-жараёнли ва натижавий-баҳолаш) мазмуни такомиллаштирилган;

“Мутахассисликка саёҳат” ва “интеграцион учлик” каби интерфаол ўқитиш методларини ишлаб чиқиш асосида профессионал таълимнинг “муаммо-ғоялар генератори-рефлексия” фазалари изчиллигини таъминлаш орқали коммуникатив компетенцияларни шакллантириш методикаси такомиллаштирилган;

ўқувчиларда касбий мобил сифатларни шакллантирувчи вазиятли диалог ва танқидий мунозарали кейсларни элективлик ва интегративлик тамойиллари асосида ишлаб чиқиш орқали коммуникатив компетенцияларни объектив баҳолаш мезонлари (амалий-йўналганлик ва коммуникативлик) такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

касб-хунар коллежлари ўқув режаларидаги умумтаълим фанлари блокига кирувчи информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришга қаратилган ахборот-дидактик таъминот, жумладан, интерфаол ўқитиш методлари кейслар тўплами ва коммуникатив характеридаги машқлар, ижодий топшириқларни ўз ичига олган Office дастурлари “MS Word 2007, 2010 ва 2013 версияларида қиёсламалар, йўлланмалар, намуналар, машқлар”

ва “Microsoft Excel 2007, 2010 ва 2013 версияларида қисламалар, йўлланмалар, намуналар, машқлар” номли методик қўлланмалар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

касб-хунар коллежи ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантиришга қаратилган “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича AvtoPlay ва Delphi дастурларида электрон таълим ресурслари яратилган ва амалиётга жорий этилган;

ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини объектив аниқлаш ва автоматик баҳолашга имкон берувчи дидактик воситалар, методик тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик таҳлиliga асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълимнинг муаммолилик, интегративлик ва амалий-йўналганлик талабларига жавоб берадиган коммуникатив компетенцияларнинг функционал-тузилмавий компонентлари мазмуни ва компетентлик даражаларини баҳолаш мезонларидан ўқувчиларни касбий фаолиятга самарали тайёрлашнинг назарий методологик ва амалий методик асосларини бойитишда фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан касб-хунар таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда, касб-хунар таълимида ноанъанавий усулда машғулотларни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган методик тавсиялардан эса ўқув режа ва дастурлар ҳамда малака талабларини такомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

касбий компетентликни шакллантириш жараёнини тизимли ва акмеологик ёндашувлар асосида касбий ривожланиш векторига мос ҳолда ишлаб чиқиш орқали коммуникатив компетенцияларнинг функционал-тузилмавий компонентлари мазмунини такомиллаштиришга оид тавсиялардан “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” (2017-2021) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида услубий қўлланмалар ҳамда электрон таълим ресурсларини яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 89-05-01-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар

ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилган;

касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида қадриятли-мазмунли, умум-маданий, ўқув-билиш, ахборот билан ишлаш, коммуникатив, шахсий ва ижтимоий каби таянч компетенцияларни шакллантиришга қаратилган таълим ресурслари (AvtoPlay ва Delphi дастурларида) таълим жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 6 майдаги 89-03-1811-сон маълумотномаси). Мазкур методик таъминот ўқувчиларни амалиётга йўналтиришга, касбий фаолиятга тайёрлашга хизмат қилган;

ўқувчиларда касбий мобил сифатларни шакллантирувчи вазиятли диалог ва танқидий мунозарали кейсларни элективлик ва интегративлик тамойиллари асосида ишлаб чиқиш орқали коммуникатив компетенцияларни баҳолаш мезонларини такомиллаштиришга оид амалий таклифлари “инсон-техника” интерфейсида оффлайн ва онлайн топшириқлар тизими ҳамда “қайтар” ва “тескари” алоқага мўлжалланган вазиятли диалог, танқидий мунозара ва кейслар банкини ўз ичига олган “MS Word 2007, 2010 ва 2013 версияларида қиёсламалар, йўлланмалар, намуналар, машқлар” ва “Microsoft Excel 2007, 2010 ва 2013 версияларида қиёсламалар, йўлланмалар, намуналар, машқлар”, қўлланмалар мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 89-05-01-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ўқувчиларда компетенцияларни баҳолаш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 22 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган DGU 06218-сонли гувоҳнома, 2 та амалий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 22 та республика ва халқаро илмий амалий конференцияларда ҳамда 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, 137 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган; фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган

натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида компетентли ёндашув касб-хунар таълимини янгилаш омили сифатида қаралган, коммуникатив компетенциялар педагогик категория сифатида талқин этилган, касб-хунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантиришнинг дидактик асослари муаллифлик нуқтаи назаридан ўрганилган. Ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришда интерфаол ўқитиш усулларининг дидактик имкониятлари аниқлаштирилган.

Тадқиқотда коммуникатив компетенцияларни самарали мулоқот қилишга қобилиятлиликни, касбий фаолиятда муваффақиятга эришишни, касбий диалогик позицияни эгаллашни, ўзининг шахсий мулоҳазасини шакллантиришни ва уни аргументлашни таъминловчи касб-хунар коллежларида тайёрланадиган бўлажак кичик мутахассиснинг касбий сифатлари сифатида қаралиши лозимлиги асосланди. Компетенция, компетентлик ва коммуникатив компетенциялар каби тушунчаларнинг мазмун ва моҳияти аниқлаштирилди. Шунини таъкидлаш жоизки, агар ўқитиш шакллари орасида гуруҳли, жуфтли, индивидуал (матн билан ишлашда) устунлик қилса ва ўқитиш методлари сифатида интерфаол ўқитиш методлари (ишбилармонлик ва ролли ўйинлар, мулоқотда ўқув ва касбий вазиятларни таҳлил қилиш) иштирок этса, ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш жараёни самарали кечади ва касбий фаолиятда ҳар бир кишининг ижтимоий ва касбий ривожланиши, ижодий ўзлигини англаши учун коммуникатив компетенциялар зарурий шарт-шароитни яратади.

Ватанимиз ва хорижда умумий психолого-педагогик даражада таълимга компетентли ёндашувнинг, шунингдек, коммуникатив компетенцияларни шакллантиришнинг назарий ва амалий асосларининг ишланганлик даражаси таҳлили асосида коммуникатив компетенциялар шахс ва жамият ўртасидаги воситачи ҳамда умуммаданий ва касбий компетенцияларнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади, деган хулоса чиқарилди. Илмий манбалар ва касб-хунар таълими давлат таълим стандарти таҳлили асосида биз ўқувчиларда шаклланадиган коммуникатив компетенциялар қуйидагилардан иборат деган хулосаларни чиқардик: ёзма ва оғзаки коммуникацияга қобилиятлилик; ёзма ва оғзаки нутқни мантиқий тўғри, аргументлашган ва аниқ қуриш; хорижий тиллардан ҳеч бўлмаганда биттасидан фойдаланишга тайёрлик; бошқа ўқувчилар билан ҳамкорлик қилишга тайёрлик; жамоада ишлашга қобилиятлилик; турли хил мулоҳазаларнинг мантиғини амалий таҳлил қилишга тайёрлик ва қобилиятлилик; машғулотларда биргаликдаги фаолият жараёнида низолардан қочишга қобилиятлилик; машғулотларда чиқишлар қилиш учун берилган мавзу бўйича ахборотларни қидириб топишга тайёрлик.

Коммуникатив компетенциялар тушунчасига ватанимиз ва хорижий олимлар томонидан берилган турли хил таърифлар таҳлили у тизимли ёндашувга асосланган деган хулоса чиқаришга имкон берди. Коммуникатив компетенцияларни тизим сифатида қараш эса, ўз навбатида, унинг ички тузилиши, муносабатларини ва алоқаларини аниқлашга имкон беради. Тизимли ёндашув шароитида, бошқа ҳар қандай тизим объекти каби коммуникатив компетенциялар ҳам, тадқиқотдаги аниқ вазифаларга қараб, кўп сонли кичик тизимларга ажратилиши мумкин. Тизимли ёндашув асосида коммуникатив компетенциялар қадриятли-йўналганлик, когнитивлик ва коммуникативлик компонентлардан ташкил топганлиги аниқланди ва уларнинг мазмун ва моҳияти аниқлаштирилди.

Тадқиқотда интерфаол ўқитиш методлари ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш воситаси сифатида қаралади. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантиришни таъминлайдиган интерфаол ўқитиш методларини таҳлил қилиш асосида уларни бошқа ўқитиш методлари гуруҳлардан фарқловчи қуйидаги белгилар аниқланди: фаолиятнинг гуруҳли характердалиги; “ўқувчи-ўқувчи”, “ўқувчи-ўқитувчи”, “ўқувчи-компьютер”, “ўқувчи-китоб” кўринишлардаги мулоқотлар асосида ўқув ва касбий масалаларни ечиш учун ўқувчиларнинг ўзаро таъсирлашувга жалб этилганлиги; ўзаро таъсирлашув субъектларининг конструктив, тенг ҳуқуқли мулоқотга йўналтирилганлиги; таълим олувчиларнинг диаграмма, график, формула, масала, бадиий матн, касбий турли хил матнлар билан ишлашга йўналтирилганлиги; ўзаро таъсирлашув иштирокчиларининг фаол позицияси; конструктив натижани ва натижаларни олиш учун гуруҳли ўз-ўзини ташкил этишни таъминловчи ўзаро таъсирлашув муҳитини ташкил этиш. Интерфаол методлар халқа шаклига эга бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади: муаммо - вазифа – диалогик ўзаро таъсирлашув - ўқувчиларнинг мустақил фаолияти – рефлексия.

Ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришда, интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланишда, ўқувчилар тайёр билимларни эгалашади керакли ахборотларни мустақил ўзлари қидириб топувчиларга айланади. Худди шунингдек, ўқитувчининг касбий позицияси ҳам ўзгаради, улар ахборотни узатувчидан коммуникацияни ташкил этувчи, маслаҳатчи ва экспертга айланади. Ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш бўйича илмий манбалар таҳлили асосида интерфаол ўқитиш методларини ўқувчиларнинг мустақил фаолияти контекстида ўзаро таъсирлашуви асосида қуйидаги таснифларга ажратдик: ўқув фаолиятда (матнлар билан ишлашнинг интерфаол усуллари, дискуссия, диспутлар ва бошқалар); касбий фаолиятда (ишбилармонлик ўйинлари, тренинглар, кейс методи, вазиятлар таҳлили, лойиҳа методи, ақлий ҳужум ва бошқалар); ўқув касбий фаолиятда (ақлий ҳужум, лойиҳа методи, давра столи ва бошқалар).

Интерфаол ўқитиш методлари коммуникатив вазиятларни моделлаштириш, аниқ коммуникатив муаммо ечимини топиш ва қабул қилинган

қарорларнинг натижаларини англаш, шахслараро мулоқот кўникмаларини қайта ишлашга, қайта алоқани таъминлашга, фикр-мулоҳазаларини таҳрирлай билиш ва коммуникатив муаммоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини топишларига имкон беради.

Диссертациянинг “**Ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш асослари**” деб номланган иккинчи бобида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш методлари, шакллари ва технологияси, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантириш модели, ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароити келтирилган. Ўқувчиларда информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш учун йўналтирувчи матн, интеграцион учлик, мутахассислика саёҳат, дидактик масала, танқидий фикрлаш техонлогияси, ишбилармонлик ўйинлари, хусусий вазиятларни ўрганиш, лойиҳали ўқитиш методларини қўллаш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланди.


Тадқиқотда интерфаол ўқитиш методлари асосида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришнинг модели асосланган. Моделни яратишнинг методологик ёндашувлари бўлиб компетентли, коммуникатив, шахсий фаолиятли, гуманистик, контекстли, гуманитар-антропологик, маданий, лойиҳали ёндашувлар ҳисобланади.

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида интерфаол ўқитиш методлари ёрдамида коммуникатив компетенцияларни шакллантириш жараёнининг асослари қуйидаги тамойилларга таянади: биргаликда ҳамкорлик қилиш, субъективлик; гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи ривожланишининг бирлиги; иштирокчилар ўртасида диалогик мулоқот; таълим маконида эркинлик, танлов ва муваффақиятга эришиш учун вазиятлар яратиш; педагогик ўзаро таъсирлашув, интеллектуал тадбиркорлик.

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантириш жараёнини яхлит тасвирлаш учун интерфаол ўқитиш методлари воситалари асосида моделнинг таркибий қисмлари ишлаб чиқилди. Модел мотивацион-қадриятли, мазмунли-фаолиятли, методик-жараёнли, натижавий-баҳолаш компонентларни ўз ичига олади (1-расм).

Мотивацион-қадриятли компонент ўз ичига ўқувчиларнинг келгусидаги касбий фаолиятнинг коммуникацион йўналганлиги, жозибадорлиги, аҳамиятлилиги билан боғлиқ мақсадлар, эҳтиёжлар, мотивлар, ўқувчиларнинг қадриятли муносабатларини олади.

Мазмунли-фаолиятли компонент интерфаол ўқитиш методлари асосида коммуникатив компетенцияларни шакллантириш фаолиятининг мазмунига қаратилган. Интерфаол ўқитиш методлари асосида уларни эгаллаш жараёнида фаолиятнинг ўзига хос кўриниши сифатида субъектлар ўртасидаги мулоқот тажрибаси шаклланади, унда тиллар ҳамжамияти аъзолари ўртасида ўзаро тушуниш ва ўзаро ишлашга эришиш учун ахборот алмашилади. Интерфаол ўқитиш методлари асосида касб-ҳунар коллежлари



**КОМПОНЕНТЛАР**

**1-расм. Ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришнинг функционал-тузилмавий модели**

ўқувчиларини бўлажак касбий фаолиятга тайёрлашда коммуникатив компетенцияларини шакллантиришнинг жараёнли компоненти қуйидаги учта босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқич - ташкилий-мотивацион босқич бўлиб, у интерфаол ўқитиш методлари (гуруҳли мунозара, ақлий ҳужум, ролли ўйин, тренинглари) орқали ўқув режада ўқитиш кўзда тутилган гуманитар, ижтимоий ва аниқ фанларда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган ўқув жараёнига ўқувчиларни жалб қилишни таъминлайди.

Биринчи босқичнинг натижаси бу – мулоқот ва ўз-ўзини ифода этишга тайёрлик ва эҳтиёж, ҳамкорликка эҳтиёж ҳисобланади.

Ушбу босқичда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган шахсий тажрибани, эҳтиёжни, қоидаларни ва нормаларни фаоллаштириш амалга оширилади, матн билан ишлаш методлари ва усулларига, тил тизимининг бирликлари ва тил асосларини онгли равишда ишлатиш орқали инсонлар ўртасида мулоқотни ўрнатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Иккинчи босқич – фаолиятли ривожлантирувчи босқич бўлиб, у ўқувчиларни ўқув ва касбий коммуникацияларга, касбий муаммоларни ечишга, ишлаб чиқариш амалиёти даврида коммуникатив компетенцияларни эгаллашга, гуруҳли лойиҳаларни тузишга, муайян ролни ижро этиш фаолияти билан шуғулланишга жалб этишга асосланган.

Учинчи босқич - ижодий ва касбий босқич бўлиб, у биргаликда гуруҳли ишлаш шароитида ўқувчиларда ижодий фаолликни таъминлаб уларни интерфаол ўқитиш методлари контекстида коммуникатив ўзаро таъсирлашувга кенг жалб этишга йўналтирилган.

Бу босқичларда таълим жараёни иштирокчиларнинг психофизиологик ривожланиши, фойдаланиладиган интерфаол ўқитиш методларининг ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида уларни бирлаштириши каби омиллар ҳисобга олинади.

Методик-жараёнли компонент ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришни таъминлайдиган интерфаол ўқитиш методлари мажмуасини ўз ичига олади.

Коммуникатив компетенцияларни шакллантиришда интерфаол ўқитиш методларининг асосий механизмлари бўлиб фаоллик, рефлексия, ҳамкорлик, бошқалар билан мулоқот қилиш жараёнида яратадиган ҳаёт ва фикрлаш намунаси бўлиб ҳисобланадиган маданият ҳисобланади.

Натижавий-баҳолаш компонент ўзига коммуникатив компетенцияларни шакллантириш мезонларини, яъни амалий-йўналганлик, когнитив, коммуникативлик ва ўқувчининг коммуникатив малакасини шакллантиришнинг учта даражасини (юқори, ўрта, паст) бирлаштиради.

Амалий-йўналганлик мезон ўз ичига ўқувчиларнинг ўзаро таъсирлашуви ва уларнинг хоҳиш-истаги билан боғлиқ мотивлар, қадриятли муносабатларни олади ҳамда мулоқотга, ўқувчи шахси ва уларнинг келажақдаги касбий фаолияти учун коммуникациянинг аҳамиятини тушуниш

билан боғлиқ. Когнитивлик мезон касб-хунар таълими ДТСда кўзда тутилган ҳаракат усуллари ҳақидаги билимлар билан боғлиқ. Коммуникативлик мезон эса, ўқувчилар томонидан коммуникатив компетенцияларнинг эгалланганлик даражасини баҳолайди.

Интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланиб касб-хунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни муваффақиятли шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини биз ўз тадқиқотимизда педагогик жараёнлар кечишига сезиларли таъсир кўрсатадиган ва ўқитишнинг юқори сифат даражасига эришишга имкон берадиган субъектив ва объектив талаблар, асослар, воситалар мажмуаси сифатида тушунамиз.

Бизнинг тадқиқотимизда педагогик шарт-шароитлар деганда ишлаб чиқилган моделни амалга оширишни таъминловчи интерфаол ўқитиш методлари асосида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришда педагогик жараёнлар кечишига таъсир кўрсатувчи онгли равишда лойиҳаланган педагогик усуллар ва воситалар кўзда тутилади.

Интерфаол ўқитиш методлари, воситалари ёрдамида касб-хунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантиришга имкон берувчи педагогик шарт-шароитларни асослашда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинди:

Биринчидан, замонавий касб-хунар коллежлари ўқувчиларини инновацион фаолиятга йўналтириб тайёрлашда ўқув жараёнида ўқитувчилар ва ўқувчилар томонидан ҳал этиладиган ва муҳокама қилинадиган ўқув-касбий масалаларни ҳал этишга асосланган ўқув жараёнидаги амалий компонентнинг роли, назария ва амалиётнинг ўзаро боғланиши кучайтирилади.

Иккинчидан, ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш натижасида улар инсонни ўраб турган муҳитни, инсон ҳаёти ва инновацион хулқ-атворини ўзгартирувчи омил сифатида касбий фаолият қадриятларини эгаллаши керак.

Учинчидан, интерфаол ўқитиш методлари воситасида касб-хунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантиришда қулай инновацион таълим муҳити шароитида амалга ошириладиган янги мазмунларнинг пайдо бўлиши, муаммони ҳал қилишнинг ижодий усуллари асосида яратувчанлик ўзаро таъсирлашуви амалга оширилади. Бу ҳолат ўқувчиларни таълим жараёнининг барча босқичларида фаол позицияда субъект-субъект ўзаро таъсирлашувига жалб этишни тақозо этади.

Тўртинчидан, педагогик шарт-шароитларнинг асосланиши ўқувчиларни мустақил индивидуал фаолиятга йўналтиришга имкон беради.

Бешинчидан, ўқув жараёнининг барча босқичларида ахборот-коммуникация технологияларидан замонавий ўқувчининг универсал восита сифатида фойдаланиши мустақилликка, муаммо ечимини танлашга ёрдам беради.

Тадқиқот муаммосига оид ватанимиз ва хорижий адабиётлар таҳлили, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларида интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланиш асосида таълим олувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш бўйича тўпланган

тажрибаларни ўрганиш, компетентли йўналтирилган касб-ҳунар таълими контекстида интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланиш асосида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантиришнинг биз томонимиздан ишлаб чиқилган моделни амалга ошириш қуйидаги педагогик шарт-шароитлар эътиборга олинганда самарали бўлади деган фаразни илгари суришга имкон берди ва бунинг учун қуйидаги бешта ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган шарт-шароитларни аниқладик:

- ўқув режаларда ўқитиш кўзда тутилган ўқув фанлари, ўқув гуруҳи ички ҳолати ва касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёни сифатини ошириш учун яратиладиган таълим муҳитини ўз ичига олган ички (локаль) муҳитнинг ўзаро таъсирлашуви асосида коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган ахборот таълим муҳитини яратиш;

- касб-ҳунар коллежлари педагогларининг ўқувчиларда интерфаол ўқитиш методлари асосида коммуникатив компетенцияларни шакллантириш қобилиятини эгаллаганлигини рағбатлантириш;

- коммуникатив компетенцияларни шакллантиришда ахборотни йиғиш, сақлаш, узатиш учун энг муҳим техник воситалар сифатида компьютер технологиясидан фойдаланиш;

- ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш учун ўқитувчи ва ўқувчи, ўқувчилар ўртасида ўзаро таъсирлашувнинг турли кўринишларини ташкил этиш; интерфаол ўқитиш методлари ва замонавий ўқитиш воситалари (ўқув дастурлар, кейслар банки, амалий қўлланма, электрон ўқув қўлланмалар ва бошқалар)дан фойдаланиш орқали коммуникатив компетенцияларни шакллантириш учун мўлжалланган ўқув жараёнининг услубий таъминотини такомиллаштириш;

- интерфаол ўқитиш методларини жалб қилган ҳолда ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришни таъминловчи ўқув (касбий) муаммолар асосида коммуникатив вазиятларни яратиш.

**“Ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари”** номли учинчи бобда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларни шакллантириш жараёнига интерфаол ўқитиш методлари амалиётга татбиқ этилган. Ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш бўйича тажриба-синов натижалари таҳлил қилинган.

2015-2018 йиллар мобайнида амалга оширилган тажриба-синов ишлари тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларининг натижаларини таққослаш, олинган амалий материалларни жамлаш, қайд қилиш, таснифлаш ва умумлаштириш имконини берди.

Тажриба-синов ишлари Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация, Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари, Қарши ахборот технологиялари ва Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежлари ахборот технологиялари йўналишида таҳсил олаётган ўқувчилар иштирокида ташкил этилди. Тадқиқотга жами 583 нафар ўқувчи, 45 нафар ўқитувчи жалб этилди. Тадқиқотнинг аниқлаш босқичида 296 нафар ўқувчи ва 25 нафар

ўқитувчи иштирок этди; шакллантирувчи ташкилий босқичда 287 нафар ўқувчи, 20 нафар ўқитувчи иштирок этди.

Тажриба-синов ишлари қуйидаги босқичларда амалга оширилди:

- эмпирик маълумотларни тўплаш ва англаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш амалга ошириладиган таъкидловчи босқич (2015-2016 йиллар);

- интерфаол таълим методлари асосида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни аниқлаш учун ишлаб чиқилган модел ва педагогик шарт-шароитларнинг мазмуни ўтказиладиган шакллантирувчи босқич (2016-2017 йиллар);

- тажриба маълумотларини статистик қайта ишлаш ва иккита намунани таққослаш учун параметрик усул ёрдамида корреляцион таҳлил ўтказишни кўзда тутувчи якуний босқич (2017-2018 йиллар).

Тажриба жараёнида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришда интерфаол ўқитиш методларини қўллашни таъминловчи педагогик ўзаро таъсирлашувнинг қуйидаги кўринишларидан фойдаланилди: “ўқитувчи-ўқувчи”, “гуруҳ ўқувчилари-ўқитувчи”, “гуруҳ ўқувчилари-ўқувчи”, “ўқувчи-ўқувчи”, “ўқувчи-компьютер”, “ўқитувчи-компьютер-ўқувчи”, “ўқувчи-электрон таълим ресурси”, “ўқувчи-китоб”.

Тажриба-синов ишлари натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида интерфаол ўқитиш методлари воситасида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш мезонлари ва даражасини аниқлашга имкон берадиган назорат ташхислаш ўтказилди.

Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган. Интерфаол ўқитиш методлари асосида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларнинг шаклланиш диаграммаси эса 2 ва 3-расмларда келтирилган.


1-жадвал

Интерфаол ўқитиш методлари асосида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларнинг шаклланиш даражаси (% да)

